# XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.** Тошкент вилояти бўйича 2019 йил январь-июнь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 300,7 минг сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 130,1 % га ошганини кўриш мумкин. Ҳудудлари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Олмалиқда 3883,6 минг сўмни (вилоят ўртача ойлик иш ҳакига нисбатан 168,8 % ), Бекобод шаҳрида 2949,9 минг сўмни (128,2 %), Нурафшон шаҳрида 2491,2 минг сўмни (108,3%) ташкил этди. Аксинча, Бекобод туманида 1483,2 минг сўмни (64,5%), Оққўрғон туманида 1536,3 минг сўмни (66,8 %), Паркент туманида 1551,3 минг сўмни (67,4%), Бўка туманида 1567,5 минг сўмни (68,1), Пискент туманида 1622,6 минг сўмни (70,5 % ) ташкил этиб пастлигини кўриш мумкин.

**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи[1]**

*(2019 январь-июнь ойларида вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)*




[1] қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи ўтган йилга нисбати**

*(2019 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*

| | *2018 йил январь-июнь* | *2019 йил январь-июнь* | *2018 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **1768,3** | **2300,7** | **130,1** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Нурафшон | 1694,3 | 2491,2 | 147,0 |
| Олмалиқ | 2742,0 | 3883,6 | 141,6 |
| Ангрен | 1528,7 | 1863,2 | 121,9 |
| Бекобод | 2289,9 | 2949,9 | 128,8 |
| Чирчиқ | 1717,6 | 2154,8 | 125,5 |
| Оҳангарон | 1623,6 | 2121,7 | 130,7 |
| Янгийўл | 1363,9 | 1853,7 | 135,9 |
| *туманлар:* | | | |
| Оққўрғон | 1319,5 | 1536,3 | 116,4 |
| Оҳангарон | 1369,6 | 1919,2 | 140,1 |
| Бекобод | 1147,1 | 1483,2 | 129,3 |
| Бўстонлиқ | 1361,2 | 1836,1 | 134,9 |
| Бўка | 1265,4 | 1567,5 | 123,9 |
| Зангиота | 1432,7 | 2075,1 | 144,8 |
| Қибрай | 1770,2 | 1989,6 | 112,4 |
| Қуйичирчиқ | 1307,1 | 1733,9 | 132,7 |
| Паркент | 1253,6 | 1551,3 | 123,7 |
| Пискент | 1260,9 | 1622,6 | 128,7 |
| Ўртачирчиқ | 1519,2 | 1810,7 | 119,2 |
| Чиноз | 1322,2 | 1732,3 | 131,0 |
| Юқоричирчиқ | 1400,8 | 1813,1 | 129,4 |
| Янгийўл | 1670,5 | 1943,0 | 116,3 |
| Тошкент | 1436,0 | 1847,0 | 128,6 |

**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**

*(2019 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*



**Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари % да**

*(2019 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*



**Иш ҳақи.** 2019 январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда *(2019 йил январь-июнь, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*

:



**Таълимда** 1030 та муассасада 77131 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 28,2 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 773392,8 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 22,9 %ни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1763,6 минг.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 136,1 %га ўсди;



**Саноатда** 46 та корхонада 80918 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши - 29,6 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 1445331,9 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 42,7 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5782,3 минг.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 128,0 %га ўсди;




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда** 105 та муассасада 38680 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 14,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 303636,0 млн. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 9,0 % ни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1354,8 минг. сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 138,2 %га ўсди;



**Ташиш ва сақлашда** 6 та корхонада 4407 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,6 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 34169,9 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 1,0 % ни) ташкил этган. Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1473,3 минг.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 119,9 %га ўсди;



**Молиявий ва суғурта фаолиятида** 82 та муассасада 3727 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,4 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 69313,8 млн.сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 2,0 %ни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган ишҳақи 3066,7 млн.сўмни ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 137,1 %га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2019 йил январь-июнь ойларида Тошкент вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2300650,0 сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 130,1 % га ўсиши кузатилди.